

374.75 (043.3)  
K26

U

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 334.746.4

КАРХАЛОВ МАМЕД ФАРАМИЗОВИЧ

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ  
(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Ихтисослик 08.00.04 – микроиқтисодиёт  
Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун  
диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

15.11.06 0196  
«30» 08 2004 г.

ТОШКЕНТ – 2004

334.75(043.3)

К

Иш Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент  
давлат техника университетида бажарилган.

Илмий раҳбар:

Иқтисод фанлар номзоди,  
доцент Турсунов Алишер  
Мухаммадназарович

Расмий оппонентлар:

Иқтисод фанлар доктори,  
профессор Саид – Джалолов  
Дилшод Рашодович  
Иқтисод фанлар номзоди  
Мусурманов Раджаб  
Махамматович

Ётақчи ташкилот: . Андижон муҳандислик – иқтисодиёт институти


Ҳимоя Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги  
К.067.07.06. рақамли кенгашнинг 2004 йил «27» апрел соат 14<sup>00</sup> да  
ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 700095, Тошкент, Университет кўчаси, 2.

Диссертация билан Тошкент давлат техника  
университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Авореферат 2004 йил «26» мартда тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлар доктори, профессор:



Л.А. Соколова

## Илмий ишнинг умумий таснифи

**Таъқиқот мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий устувор йўналишларидан бири бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб мустаҳкам иқтисодийнинг муҳим шarti бўлган эркин иқтисодий тамойилларини жорий этишдан иборат. Бу йўналиш «... хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади».<sup>1</sup>

Ўзбекистонда кичик ва ўрта корхоналарнинг сони бутунги кунда 240 мингтага етди. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қарийиб 370 мингта янги иш ўринлари очилди. Ялпи ички маҳсулотимизни 35% хусусий тармоқда яратилмоқда.<sup>2</sup>

Аммо, таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ривожланишининг ҳозирги аҳволи ва самарадорлиги, иқтисодий структурасидаги ўрни мамлакатимиз эҳтиёжлари ва имкониятларига мос эмас.

Бу ҳол аввало кичик корхоналарнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасининг пастлиги, ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдирилмаганлиги, уларнинг умумий сониди маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар сонининг камлиги, шунингдек бизнес субъектларини хом ашё, кредит ресурсларидан, асбоб – ускуна ва материаллардан, ишлаб чиқарган маҳсулотларини бозорга чиқариб сотиш имкониятларидан тўлиқ фойдалана ололмаётганликларида намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, кичик корхоналарнинг ташқи савдо натижалари уларнинг салоҳияти даражасида эмас. Юқорида зикр этилган сабаблар кичик корхоналарни юқори самара билан ҳаракатланишига тўсиқ бўлмоқда.

Маълумки, фақат иқтисодий самарадорликка эришиб ишлаётган кичик корхоналар миллий иқтисодий нуктаи назардан иқтисодий ўсишга ва бандликни таъминлашга ўз хиссаларини қўшадилар. Бу ҳол эса кичик бизнесни самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни, уни ривожлантириш имкониятларини аниқлаш, самарали ривожланиш йўллари асослашни талаб этади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. // Халқ сўзи – 2002. – 30 август.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси ва мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш. // Халқ сўзи – 2003. – 18 феврал.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кичик бизнесни ривожлантириш, самарадорлигини ошириш муаммолари ҳорижий ва мамлакатимизнинг бир қатор олимларининг тадқиқот объекти бўлиб келган. Умуман олганда тадбиркорликни ривожлантиришнинг илмий – амалий масалалари Р. Кантальони, А. Смит, Й. Шуппетер, М.Фридман, Э. Дж. Долан, Д. Линдсе, Р. Коуз, А. Хоскинс каби олимлар томонидан ишланган.

Иқтисодиётни хусусий секторига тегишли назарий ва амалий масалалар Л. И. Абалкин, В. И. Алехин, А.В. Бузгалина, В. В. Радаев каби МДҲ иқтисодчи олимларининг асарларида ўз аксини топган. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича фундаментал қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарларида чуқур баён қилинган. Ушбу муаммолар Ўзбекистон шароитида О. Ҳ. Ҳикматов, Э. Н. Ходжаев, А. Т. Юсупов, В. А. Чжен, Г.А. Саматов, М. А. Турсунходжаев, А. Қодиров, В. М. Шепелев каби иқтисодчи олимларнинг илмий асар ва мақолаларида тадқиқ этилган.

Охириги йилларда мамлакатимизда А. А. Амбурцумян, У. Алимов, А. М. Алимов, С. С. Агзамходжаев, У. Р. Валижонова, И.Б. Рустамова, И.Э. Турсунов, Э. М. Эргашева, Ш.Э. Каримов каби ёш олимлар томонидан кичик бизнесни ривожланишининг ҳар хил йўналишларида бағишланган бир қатор илмий диссертациялар ёқланган. Ушбу диссертацияларда мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши даврида кичик корхоналарнинг иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни, ички ишлаб чиқариш муносабатларини ривожланиши ва ҳаракатланиш шароитларини такомиллаштириш муаммолари, давлат томонидан тартибланиш ва қўллаб – қувватланишнинг ҳорижий тажрибаси ҳамда унинг мамлакатимиз учун аҳамияти, инвестициялашни такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятини бошқаришнинг ташкилий, иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Аммо ушбу диссертацияларда айнан кичик бизнесни самарадорлиги масаласи услубий ва амалий жиҳатдан, алоҳида, ҳартарафлама тадқиқ этилмаган. Қашқадарё вилояти бўйича эса бундай илмий тадқиқот ўтказилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Илмий тадқиқотнинг асосий мақсади иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида кичик бизнесни самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мақсадга эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш талаб этилди:

- бизнес тизими ва унинг элементи – тадбиркорликни назарий асосларини тадқиқ этиш ва умумлаштириш асосида унинг ижтимоий – иқтисодий моҳиятини очиб бериш;
- кичик бизнеснинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва истиқболлаштириш услубиятини тадқиқ этиш ва такомиллаштириш;
- кичик бизнесга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва мезонлар асосида гуруҳлаш;
- мамлакатимизда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувваташ тизимини таҳлил этиш ва ундаги муаммоларни аниқлаш;
- кичик бизнес самарадорлигининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш ва унинг ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш;
- кичик бизнес самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш ва умумлаштириш;
- кичик бизнес самарадорлигини ошириш йўларини аниқлаш, шунингдек, илмий асосланган амалий аҳамиятга молик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот предмети** кичик бизнес корхоналарининг хўжалик юритишдаги иқтисодий, ташкилий муносабатлари ва шароитларидир.

**Тадқиқот объекти** бўлиб Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилоятидаги микрофирма ва кичик корхоналарининг фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий** асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қарорлари, шунингдек, йирик иқтисодчи олимларнинг бизнес тизими, унинг элементи бўлмиш тадбиркорлик фаолиятига доир илмий ғоя ва назариялари хизмат қилди.

Тадқиқотнинг эмприк асосини Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт Вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Қашқадарё вилояти товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси материаллари ташкил этди.

Тадқиқот давомида, иқтисодий статистик таҳлил, монографик таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, эксперт баҳолаш каби усуллар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан** иборат:

- кичик бизнеснинг ижтимоий – иқтисодий аҳамияти «ижтимоий масъулият» концепцияси контексти асосида очиб берилди;
- «тадбиркор», «тадбиркорлик», «бизнес тизими», «кичик бизнес» каби иқтисодий категорияларнинг мазмун – моҳияти, ҳозирги

замон бозор иқтисодиётининг ривожланишидаги янги тенденциялар инobatта олган ҳолда аниқлаштирилди;

- кичик бизнеснинг самарадорлигини баҳолашнинг такомиллаштирилган кўрсаткичлар тизими таклиф этилди, унинг ўзига хослиги икки, яъни корхона ва вилоят (ҳудудий) даражасида берилганлигидир;
- кичик бизнесни иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг тизимий кетма–кетлиги ишлаб чиқилди. У қуйидаги ўзига хос таснифларга эга: кичик бизнесга мослаштирилганлиги ва баҳолаш кўрсаткичлари билан асосланганлиги; кичик бизнесга ташқи муҳитнинг таъсири, унга таъсир этувчи омиллар, заҳираларни аниқлаш каби блоklarнинг киритилганлиги, якунланганлиги ва комплекс таснифга эгалиги;
- кичик бизнеснинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ижтимоий – психологик, ташкилий – ҳуқуқий ва молиявий – иқтисодий белгилар асосида гуруҳланди ва яхлит тизимга келтирилди;
- ҳудудий жиҳатдан кичик бизнеснинг ривожланиш самарадорлигини кичик корхоналарни тармоқ тузулиши ва фойдалилиги истиқболни инobatта олган ҳолда баҳолаш услубияти ишлаб чиқилди;
- кичик бизнес самарадорлигини оширишнинг заҳиралари (имкониятлари) ташқи ва ички турларга бўлинган ҳолда аниқланди ва умумлаштирилди;
- кичик бизнесни самарадорлигини оширишнинг йўналишлари асосланди, хусусан кичик бизнеснинг инновацион асосда ривожланишини таъминлаш, инвестициялашни устувор йўналишларини аниқлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, вилоятда кичик корхоналар фаолиятини ривожлантириш, горизонтал интеграциясини кўчайтириш, тадбиркорликнинг давлат органлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилиши бўйича аниқ таклифлар берилди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг назарий хулосалари ва амалий йўриқлари, биринчидан, бевосита кичик бизнесни иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминлайди, иккинчидан эса улар давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан кичик тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини яратиш жараёнида қўлланиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларини синаш ва қўллаш.** Тадқиқотнинг илмий натижалари 1999–2003 йиллар ичида Тошкент давлат техника университетининг профессор – ўқитувчилари илмий анжуманларида муҳокама қилинган.

Муаллиф томонидан тайёрланган «Қашқадарё вилоятида кичик бизнесни ривожлантириш самарадорлигини ошириш йўллари» номли ишланмаси Қашқадарё вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинди (25.02.03 йилдаги 14 – сонли маълумотнома).

**Наشر ишлари.** Диссертация тадқиқотлари асосида 2,0 б.т.дан иборат 5 та иш наشر қилинди.

**Диссертациянинг тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

**Диссертациянинг кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, усул ва услубияти, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

**«Кичик бизнес самарадорлигини оширишнинг назарий асослари» номли биринчи бобида** бизнес тизими ва уни элементи тадбиркорлик бизнесининг асосларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида унинг ижтимоий – иқтисодий моҳияти очиб берилган, кичик бизнесни самарадорлигини баҳолаш услубияти такомиллаштирилган.

**«Кичик бизнес ривожланиши самарадорлигининг таҳлили» номли иккинчи бобида** мамлакатимизда кичик бизнеснинг давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тизими таҳлил этилган ва кичик бизнесни самарадорлигини ҳозирги ҳолатига баҳо бериб унинг ривожланишидаги муаммолар аниқланган.

**«Кичик бизнеснинг ривожланиш имкониятлари ва асосий йуналишлари» номли иккинчи бобида** кичик бизнесни ривожланиш имкониятлари аниқланган ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган ва тараққиёти истиқболлаштирилган.

### **Диссертациянинг асосий мазмуни**

Ҳар қандай иқтисодий тизимни мавжуд бўлиши ундаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини самарали ташкил этиши ва унинг пировард натижаларига боғлиқдир. Буларнинг барчаси бизнес тизими доирасида рўй беради. Бинобарин, бизнес тизими бозор иқтисодиётнинг муҳим элементи ҳисобланиб унинг ҳолати ва самарадорлигига бевосита таъсир этади.

Капитализмга ўтиш даврда бизнеснинг асосий унсури бўлмиш тадбиркорлик назариясини яратиш ва ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган Р.Кангильон, А. Смит, Ж.Б. Сей, Д.Б. Кларк, И. фон Тюннен, Й. Шумпетер ва бошқа иқтисодчи олимларнинг тадбиркорликка оид фикрлари ўрганилган ва умумлаштирилган.

Муаллиф фикрича, биринчидан тарихий ривожланиш жараёнида тадбиркорликка оид жиҳатларга иқтисодиётда рўй бераётган ўзгаришларга монанд янги маънолар киритилиб борилган, иккинчидан эса, тадбиркорлик тушунчаси ҳозирги даврда ҳам кўп маънолигини сақлаб қолмоқда.

Илмий ишда бизнес тизими, уни тартибга солувчи механизм билан боғлиқ масалалар атрофида тадқиқ этилган. Ҳозирги даврда биринчидан, бизнес тизими иқтисодий тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади; иккинчидан иқтисодий тизим бозор механизми ва давлат томонидан тартибланади; учинчидан бизнес субъеклари ўртасидаги муросали муносабатлар бўлишини тақозо этувчи асосий омил бу қонунчиликдир, уни яратиш эса давлатнинг асосий вазифасидир. Бизнес тизими иқтисодий тизимнинг таркибий қисми сифатида муросали муносабатлар асосида, лекин шу билан бирга бозор механизми (наrx, рақобат) томонидан тартибга солинади.

Ҳозирги даврда жамиятнинг ижтимоийлашиш жараёнининг кучайиши натижасида бизнеснинг иқтисодий эмас, балки ижтимоий – иқтисодий категория эканлиги алоҳида урғу берилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнеснинг ижтимоий – иқтисодий аҳамияти қуйидагилардан иборат : доимо эҳтиёжларни қондиришга йўналганлиги; иқтисодий ўсиш, миллий бойликни кўпайтиришнинг муҳим омили эканлиги; фуқароларнинг куч ва лаёқатини амалда тўлароқ намоён этишга имкон бериши ва шу нуқтага назардан аҳоли даромадларини, турмуш даражасини ошириш манбаи эканлиги; иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантиришнинг муҳим омили; давлат бюджетини солиқ тизими воситасида шакллантиришда қатнашиши натижасида давлат даромадларини кўпайтириш воситасида ижтимоий соҳани тўлароқ молиялаштиришга, яъни унинг ривожланишига шароит яратади; бандлик даражасини оширишнинг муҳим омили эканлиги; жамият ижтимоий ҳаётида кўп сонли ўрта мулкдорларни вужудга келтириши.

Муаллиф фикрича, биринчидан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бозор механизми тўла ишга тушурилмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоси долзарблигини сақлаб қолмоқда, иккинчидан эса иқтисодий самарадорлик тушунчасини тадқиқ этганда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор бермоқ зарур: ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти фойдали самарага эришиш учун ресурслар сарфларини камайтиришни шартловчи, ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш муносабатларини ўзида намоён этади; натижа ва сарфлар ўртасидаги нисбат эмас, балки, мураккаб иқтисодий тизим бўлиб, ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттирувчи ва турли



технологик, иқтисодий – ижтимоий, экологик жиҳатларга эга бўлиши; маҳсулотларни такрор ишлаб чиқариш босқичларидан ҳаракатланишида, пировард натижаларига эришишни таъминлаш мақсадида ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича вужудга келган иқтисодий муносабатларни ва ўзида маҳсулот миқдори ўсишини ва ишлаб чиқариш харажатларининг қопланиш даражасини ифодалайди; аҳоли турмуш даражаси ошишининг асоси ҳисобланади.

Диссертацияда кичик бизнес ривожланишининг иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш учун мезонлар ва кўрсаткичлар тизими зарурлиги ва улар такрор ишлаб чиқариш жараёнини назарий ҳам амалий жиҳатдан тадқиқ этиш учун етарли бўлиши кераклиги асослаган.

Бизнеснинг иқтисодий самарадорлиги мезонлари кичик корхона ёки микрофирма даражасида фойда ва харажат миқдори, ҳудуд даражасида ушбу мезонлардан ташқари кичик бизнесда банд бўлганларнинг сони ва ушбу секторни иқтисодиётни (ҳудудий иқтисодиётни) таркибига мос келиши каби мезонлар қўшилиши зарур.

Ушбу ҳол кичик бизнесни аҳолининг бандлик даражасини ошириши, унинг ривожланиши мамлакат иқтисодиёти тузилишига мос бўлиши билан шартлангандир. Шундагина кичик бизнес соҳаси самарали ҳисобланиши мумкин.

Диссертацияда ҳозирги шароитда кичик корхоналарни самарадорлигини баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими таклиф этилган. Унинг ўзига хос тарафи самарадорликни корхона ва ҳудудий даражада баҳолашнинг мумкинлиги. Хусусан, ҳудудий даражада – аҳолини жон бошига маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш, рентабеллик, кичик бизнеснинг ҳудудий ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси, кичик бизнесда банд бўлган ходимларни ҳудуд меҳнат ресурсларидаги ҳиссаси, меҳнат унумдорлиги ва тузилмавий кўрсаткичлар; корхона даражасида – меҳнат унумдорлиги, фонд самарадорлиги, материал сизими, рентабеллик, тўлаш қобилияти коэффициенти кўрсаткичлари.

Кичик бизнеснинг ҳаракатланиши жараёнида унга турли омиллар таъсир этади. Будаё шароитда у ёки бу кўрсаткичнинг таҳлили ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Муаллиф фикрича, омилларни таъсир этиш соҳаси ва характерига қараб гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир. Диссертацияда кичик бизнесга таъсир этувчи омилларни таъсир этиш соҳасига қараб ташқи ва ички гуруҳларга, таъсир этиш таснифига қараб ижтимоий – психологик, ташкилий – ҳуқуқий ва молиявий – иқтисодий гуруҳларга бўлинган ҳолда умумлаштирилган.

Илғор мамлакатларнинг тажрибаси кичик бизнесни кенг қўламларда ривожланганлигини асосий омили, давлат томонидан оқилон, мувофиқ тарзда қўлаб – қувватланганлигини кўрсатади. Бинобарин, давлатни кичик бизнесни қўлаб – қувватлаши унинг самарадорлигини таъминлаш, оширишнинг муҳим омилдир. Шу нуқтаи назаридан, диссертацияда Қашқадарё вилоятида кичик бизнесни давлат томонидан қўлаб – қувватланиши ҳолати атрофлича тадқиқ этилган ва мамлакатимизда, кичик тадбиркорликни қўлаб – қувватлашнинг кўпгина шакллари амалиётга татбиқ этилганлиги таъкидланган(1 – жадвал).

Диссертацияда кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўлаб – қувватлаш тизими мамлакатимизда яратилганлиги ва ҳар қандай тизим каби – яхлитлик, барқарорлик, ўзаро тўлдирувчанлик (функциялар ва элементлар бўйича), бошқарувчанлик (назорат, мониторинг, таҳли, прогнозлаш бўйича) хусусиятларига эгаллиги таъкидланган. Аммо бу тизимда ушбу хусусиятлар тўла намоён бўлмаётганлигига алоҳида урғу берилган. Ушбу ҳол, ҳозирда давлат органлари ва кичик корхоналар ўртасида ресурсларнинг тақсимланиши, улардан самарали фойдаланиш ва шу каби муносабатларда камчиликлар мавжудлиги, вазирликлар, маҳкамалар ва бошқа идоралар маъмурий, тўсиқларни вужудга келтириш билан ўзларига кенгроқ йўл очиб, кичик корхоналар ҳаракат майдонини торайтиришга ҳаракат қилишга уринишлари билан шартлангандир. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ҳокимиятлар томонидан қўлаб – қувватлаш бўйича рейтинг натижаларига биноан Қашқадарё вилояти ўн иккинчи ўринни эгаллайди<sup>3</sup>.

Бу энг аввалло Қашқадарё вилоятида ҳокимлик ва тадбиркорлар ўртасида конструктив муносабатлар тўла ўрнатилмаганлиги, кичик бизнесни қўлаб – қувватлаш борасидаги аҳвол етарли эмаслигини кўрсатади, ҳозирда кичик корхоналарни турли уюшмаларда унчалик хоҳламасдан қатнашиши, улардан эълон қилинган ёрдамни ололмаслиги ёки ушбу ёрдамни самарадорлигини пастлигидир. Шу муносабат билан муаллиф, ҳозирги шароитда кичик бизнес соҳасида интеграция жараёнларини чуқурлаштириш лозимлигини алоҳида таъкидлайди ва уни шартловчи омилларни ажратиб кўрсатади.

2002 йил Қашқадарё вилоятида кичик ва микрофирмаларнинг сони 22038 тани тапшил этди. Вилоятда ҳаракатдаги кичик корхона ва микрофирмаларни 5,4% давлатга қарашли бўлиб, 94,6% нодавлат мулк турларига асосланган.

<sup>3</sup> Юсупова Н. Развитие институциональных реформ в Республике Узбекистан в переходный период. Автореферат диссертации д.э.н. – Т.: 2002. – 42 с.

1 – жадвал.\* Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб – қувватлашнинг жорий этилган шакл ва турлари.

#### 1. Ташкилий

- кичик корхоналарнинг реестрини жорий этиш ва регистрациянинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;
- фасолиятни лицензиялаш ва маҳсулотни сертификациялаш учун минимал тўловни ундириш;
- кичик корхоналарни назорат қилиш ва текширишни тартибга солиш
- тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ахборот ва маркетинг билан таъминлаш;
- консалтинг, аудитни жорий этиш;
- кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш;
- хориж донор тузилмалар билан ҳамкорликни ташкил этиш;
- бухгалтерия ҳисоботини олиб боришни соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

#### 2. Молиявий

- имтиёзли солиқ солиш режимини киритиш;
- имтиёзли кредитлашни жорий этиш;
- давлат буюртмаларини бериш;
- имтиёзли божхона тўловларини қўллаш;
- кичик корхоналарни кредитлаш ва сугурталашга банк ва сугурта компанияларини рағбатлантириш;

#### 3. Мулкий

- давлатга қарашли биноларини ва дастгоҳларини имтиёзли шартларда ижарага бериш, давлат лизинг компанияларини шакллантириш;
- илмий техникавий қувватлаш.
- кичик корхоналар билан ишловчи лизинг компанияларга имтиёзлар бериш;

\* Муаллиф томонидан ишланган

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ривожланишида уларнинг инвестицион фаоллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. 1999 – 2002 йилларда Қашқадарё вилоятида ушбу корхоналарга инвестициялар ҳажми 82,0 баробарга ошган. Шунингдек, асосий капиталга инвестициялар таркибда машина ва дастгоҳларга қилинган инвестицияларни миқдори ва хиссаси ошган. Ушбу ҳол вилоятда кичик корхона ва микрофирмаларнинг инвестицион фаоллигини ошганлигини кўрсатади. Аммо шунга қарамасдан вилоятда кичик корхоналарни пул маблағлари билан таъминлаш ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Шубҳасиз, кичик бизнеснинг самарадорлиги унинг қанчалик бозорларни зарур истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдирганлиги, шу билан аҳолини эҳтиёжларини қанчалик қондира олаётганлигида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан қарасак

Қашқадарё вилоятида аҳоли учун зарур товарларни ишлаб чиқариш таҳлил қилинаётган даврда 2 баробардан ортиқга ўсган. Республикада кичик корхона ва микрофирмалар ишлаб чиқарган истеъмол товарларини 6,7% шу жумладан озиқ – овқат маҳсулотларини 10,8%, ноозиқ – овқат маҳсулотларини 2,6% Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқарилган. Бироқ, вилоят бўйича барча истеъмол молларини атиги 8%га яқини кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилади. Чакана товар айланмасида ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда ҳам кичик корхона ва микрофирмаларни ҳиссаси кам.

Вилоят бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг аҳоли жон бошига истеъмол товарларини ишлаб чиқариш миқдори мамлакат бўйича ушбу кўрсаткични атиги 47,7%ни ташкил этади. Бу эса ҳали вилоятда кичик бизнес, аҳоли эҳтиёжини товар ва хизматлар билан таъминлаш ҳолати етарли даражада эмаслигини кўрсатади. Агарда вилоятда унинг ишлаб чиқариш тузилмасидан келиб чиққан ҳолда озиқ – овқат ва енгил саноатда, кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шароит мавжудлигини эътиборга олсак, унда бу йўналишда ҳам йирик имкониятлар борлигини эътироф этишимиз мумкин.

Қашқадарё вилоятида кичик бизнеснинг (кичик корхона ва микрофирмалар) ҳудудий ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 1999 йилда 5,7%ни, 2002 йилда 10,4 % ташкил этган. Агарда ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 40 – 60% ташкил этишини инобатга олсак, ушбу кўрсаткич кичик бизнес вилоятда ҳали янада ривожлантирилиши зарурлигини кўрсатади.

Кичик бизнеснинг асосий вазифаларидан бири бу аҳолини иш жойлари ва даромад билан таъминлашдан иборат. Қашқадарё вилоятида 2002 йилда меҳнат ресурсларининг 7,6% кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлган, 1999 йилда ушбу кўрсаткич 1,9%ни ташкил этган.

Агарда вилоятда 2002 йилда олдинги йилга нисбатан меҳнат биржалари томонидан ҳисобга олинган ишсизларни сони 10,5%га ошганлигини, ундан ташқари яширин ишсизлик ҳам у ёки бу даражада мавжудлигини инобатга олсак, кичик бизнес аҳолини иш билан таъминлаш ёки банд этиш вазифасини ҳам етарли даражада бажара ололмаётганлигини кўриш мумкин. Агарда ушбу масалага ривожланган мамлакатларда меҳнат ресурсларини 66 – 80% кичик ва ўрта бизнесда банд эканлиги нуқтан назардан қарасак ушбу масала қанчалик долзарблигини кўришимиз мумкин.

Кичик бизнесни самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларидан бири бу меҳнат унумдорлигидир. Вилоятда кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги республика бўйича ушбу кўрсаткични 70,5%ни ташкил этди. Агарда

юқорида таъкидлангандек вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар томонидан аҳолининг эҳтиёжларини зарур товар ва хизматлар билан тўлароқ қондириш муаммоси мавжудлигини инobatта олсак, унда биринчидан, эришилган ишлаб чиқариш унумдорлиги етарли эмаслиги, иккинчидан эса ушбу муаммони ҳал этиш учун юқори ишлаб чиқариш унумдорлигига эришиш зарурлиги хусусида хулоса қилиш мумкин.

Таҳлил қилинаётган даврда вилоят бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг рентабеллик даражаси 8,6%дан 10,9% га ошган. Кичик корхона ва микрофирмалар сонининг таҳлили унинг ошганлигини кўрсатади. Аммо ривожланган мамлакатларда ҳар 1000 нафар аҳолига 20 та кичик корхона тўғри келса 2002 йилда ушбу кўрсаткич мамлакат бўйича 7,0 тани, Қашқадарё вилояти бўйича эса 6,1 тани ташкил этган. Ҳисобларга кўра бир йилда вилоятда 17–22,5% корхона ўз фаолиятини тўхтатар экан. Булар ушбу соҳада бир қатор ҳал этиладиган муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Диссертацияда кичик бизнесни ривожланиш заҳиралари (имкониятлари) муаллиф томонидан гуруҳларга бўлиб умумлаштирилган ва батафсил ёритилиб асосланган.

Шунингдек диссертацияда, кичик бизнесни самарали ривожланишини истиқболлаштиришнинг услубий масалалари атрофлича тадқиқ этилган ва унинг асосида истиқболлаштиришнинг регрессион моделлари ишлаб чиқилган ва ҳисобланган (2–жадвал). Ундан ташқари муаллиф томонидан Қашқадарё вилоятида кичик бизнеснинг тармоқ тузулишининг истиқболи ишлаб чиқилган (3–жадвал). Унинг асосида Қашқадарё вилоятида кичик бизнесни ривожланишида ҳудудий устуворликлар аниқланган (4–жадвал).

Қашқадарё вилоятида кичик бизнесни самарадорлигини оширишнинг яна бир муҳим йўналиши кичик корхоналарнинг горизонтал интеграциясини кўчайтириш. Бу борада муаллиф томонидан вилоятда кичик корхоналар уюшмаси уни қошида эса кичик бизнес воситачи корхонаси ташкил этиш зарурлиги асосланган ва уни ташкил этиш бўйича конкрет таклифлар берилган.

Фан–техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш уни инновацион асосда ривожланишини таъминлаш, Қашқадарё вилоятида, кичик бизнес самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

2-жавал.\* Қашқарарэ вилоятнда кичик бизнесни (кчкч корхона ва микрофирмалар) ривожланишининг истиқболд.

Кўрсаткичлар	Хисобот маълумотлари**					Истиқболлаштириш модели	Истиқболлаштириладиган давр				
	1999	2000	2001	2002	2004 t=6		2005 t=7	2006 t=8	2007 t=9	2008 t=10	2008 t=12
	3	4	5	6	8		9	10	11	12	
Кичик корхоналар (КК) ва микрофирмалар (МФ) сон. бирдик.	9730	12510	14959	22038	28600	32540	36480	40420	44360	44360	
Тушум хажми*** млрд. сўм.	15,4 15,4	24,8 31,6	36,6 57,9	73,5 141,3	168,6	204,2	240,6	276,8	313,4	313,4	
КК ва МФларда банд бўлган ходимларнинг сон. мианг кши.	19,2	20,5	25,6	56,8	74,4	86,2	98,5	109,1	122,0	122,0	
Инвестициялар миқдори*** млн. сўм.	78,5 78,5	686,8 872,2	2388,8 3777,1	6438,5 12348,7	14934,2	18199,4	21464,5	24729,8	27995,0	27995,0	
КК ва МФ ходимларининг иқтисодийда банд бўлганлар сониданги хиссаев. %	1,9	2,0	2,4	7,6	12,7	14,4	15,3	17,1	18,8	18,8	
Кичик бизнеснинг ҳудудий ялди маҳсулотаги хиссаев. %	5,7	7,2	8,8	10,4	16,3	18,7	21,1	23,4	25,8	25,8	
Рўйхатга олинган умумий сонда КК ва МФнинг хиссаев. %	87,2	91,0	91,6	93,1	93,3	94,5	95,7	96,8	97,8	97,8	

\* муаллиф томонидан ҳисобланган.

\*\* Узбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

\*\*\* суръатида — таққослама нарҳларда, маҳражда — ҳисобот йилининг жорий нарҳларида

К<sup>t</sup><sub>хс</sub>, К<sup>хс</sup><sub>к</sub> — истиқболлаштириладиган тушум, ходимлар, инвестициялар хисса кўрсаткичлари

**3 – жадвал. Қашқадарё вилоятида кичик бизнеснинг тармоқ тузулишини истиқбол. Фоиз ҳисобида**

Иқтисодиёт тармоғи	2002й.**	2004й	2005й.	2006й.	2007й.	2008й.
Саноат	27,8	28,0	28,5	29,0	29,0	30,0
Қурилиш	15,9	16,0	16,5	17,0	17,0	17,0
Савдо ва умумий овқатланиш	21,7	21,0	20,5	20,0	20,0	20,0
Пуллик хизматлар	1,7	2,0	2,5	3,0	3,0	3,0
Инвестициялар	11,0	12,0	12,5	13,0	13,0	13,0
Қишлоқ хўжалиги	21,9	21,0	19,5	18,0	18,0	17,0
Жами	100	100	100	100	100	100

\*Эксперт баҳолаш услуби асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

\*\* Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

**4 – жадвал.\* Қашқадарё вилоятида кичик корхоналарни ташкил этишнинг устувор тармоқлари ва уларда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулот турлари.**

Тармоқ, соҳа	Маҳсулот тури
Қишлоқ хўжалиги	Консерва, ун ва ун маҳсулотлари, сут – гўшиг маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, тери ва тери маҳсулотлари, жун ва жун маҳсулотлари, пахта толаси, чорвачилик учун зарур озуқа (омухта ем)
Ёқилғи – энергетика	Пластмасса маҳсулотлари, резина маҳсулотлари, олтингугурт ва бошқалар.
Қурилиш маҳсулотлари	Оҳак, мрамар, цемент, силикат гишти ва ҳ.к.
Ёнгил саноат	Тикувчилик маҳсулотлари
Қурилиш ва уй жой фондини таъмирлаш	Қурилиш ва таъмирлаш ишлари.
Хизмат кўрсатиш	Ўқитиш ва соғлиқни сақлаш, транспорт, маиший хизматлар

\* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Қўрилаётган масалани ҳал этишда давлатнинг иштироки муҳимдир, у қуйидагиларни назарда тутиши мақсадга мувофиқдир: банк тизимини такомиллаштириш – аҳолини банк тизимига ишончини тиклаш, банкларни иқтисодиётни реал сектори билан боғлиқлигини таъминлаш, банклар ва капитализация бошқарув самарадорлигини ошириш, қимматбаҳо қозғалар бозорини ривожлантириш натижасида банк хизматларини кенгайтириш йўналишида фаолият самарадорлигини ошириш; бозор

инфрагузилмасини банкдан ташқари яъни инвестицион компаниялар, молия компаниялари, хайрия фонллари, ссуда жамгарма уюшмалари, кредит уюшмалари, ҳаракатини таъминлаш; молиявий қўлаб – қувватлашнинг франчайзинг, инвестицион танловлар каби шаклларида кенг фойдаланишни йўлга қуйиш; ҳорижий инвестицияларни кириб келишига ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий шароитни вужудга келтириш йўли билан тегишли қулай, фаол муҳитни шакллантириш; юқори технологиялар соҳасида қулай шароитларни вужудга келтириш, венчур капитали унинг асосида шаклланадиган инновацион корхоналарни ривожлантириш.

Истиқболда Қашқадарё вилоятида кичик бизнесда ижтимоий аҳамиятга молик фаолият турларини шаклланиши ва ҳаракатланиши, объектив омиллар энг аввало аҳоли талаби ва юқори рентабеллик ишлаб чиқаришни ташкил этишга қулай шароитни мавжудлиги билан белгиланиши лозим. Кичик бизнесни тармоқ йўналиши вилоят, аҳоли, тадбиркорни манфаатларини уйғунланишининг натижасига айланиши керак.

Юқорида аниқланган ва асосланган Қашқадарё вилоятида кичик бизнесни ривожланиш бўйича берилган хулоса ва таклифлар пировард натижада уларни самарали ҳаракат қилишига олиб келади. Улардан асосийлари қуйидагилардир:

- Қашқадарё вилоятида таҳлил қилинаётган даврда кичик бизнесни ривожланишига қуйидагилар хос бўлган: унинг ташкилий – ҳуқуқий тузулишида ўзгаришлар рўй берган ва ушбу сектор кўп укладлик тусини олган; тармоқ тузулиши мукамал эмас, бу ҳол тармоқларда кичик тадбиркорликни ривожланишидаги фарқлар билан шартлангандир; умумий ривожланиш даражаси етарли эмас бу ҳол аввало унинг вилоят иқтисодий структураси ва имкониятларига мос эмаслиги ҳамда ўз вазифаларини етарли даражада бажара ололмаётганида намоён бўлмоқда.
- кичик бизнесни ривожланишининг ички ва ташқи заҳиралари (имкониятлари) бўлиб, улар биргалиқда жами заҳираларни ташкил этади. Ички заҳиралар: меҳнат қуролларини такомиллаштириши; хом ашё ва материаллардан тежаб – тергаб оқилона фойдаланишни кучайтириш; меҳнат ресурсларидан мувофиқ оқилона фойдаланиш; бошқариш тизимини такомиллаштириш; ички жамғаришдан кенг фойдаланиш. Ташқи заҳиралар: кичик бизнесининг самарали ривожланишини таъминловчи яратилган кенг ҳуқуқий база, кафолат ва имтиёзлар тизимидан кенгроқ фойдаланиш ва уни такомиллаштириш; кичик бизнесни молиялаштириш ва банк хизматидан тўлароқ фойдаланиш; ресурсларни етказиб бериш ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш тизимини



ривожлантириш; фан ва техника тараққиёти натижаларидан тўлароқ фойдаланишни таъминлаш; яратилган ижобий инвестиция муҳитидан тўлароқ фойдаланиш; рақобат муҳитини шакллантириш.

- вилоятда кичик бизнесни самарадорлигини ошириш учун қуйидаги умумий шароитлар бўлиши лозим, бозор механизмни (наrx, рақобат) соzлаш ва уни амалда ҳаракатланишини таъминлаш, иқтисодийни барқарор ривожланишини таъминлаш; тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш механизмни янада такомиллаштириш; тадбиркорликка хизмат қилувчи инфратузилмани охиргача шакллантириш уни самарали ҳаракат қилишига эришиш; иқтисодийда монополизмга чек қўйиш рақобат муҳитини шакллантириш; ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш.
- кичик бизнесни инновацион асосда ривожланиши учун инновацияларни сотиб олиш ва жорий этиш муаммосини ҳал этиш ўта муҳимдир. Кўпгина кичик корхоналар бир хилда технологияга эҳтиёжи мавжуддир, шунинг учун технологияларни яратган ташкилот ва кичик корхоналар ўртасида воситачи сифати тақлиф этилаётган кичик бизнес воситачи корхонаси чиқиши мумкин.
- ҳозирги шароитда кичик корхоналарни ривожланишига солиқлар (давлат ва маҳаллий) ҳар хил ажратма ва йиғимларни (бюджетта ва бюджетдан ташқари фондларга) камайтириш ижобий таъсир кўрсатади. Уларни жамланган миқдорини камайтиришни назарда тутиш муҳимдир бу эса бир тарафдан қўшимча иш жойларини ташкил этиш, иккинчидан эса ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш учун сарфларни камайишига олиб келади.
- кичик бизнеснинг ривожланиши самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши – кичик корхоналарнинг горизонтал интеграциясини кучайтириш. Ҳозирда кичик корхоналарни мавжуд кам сонли уюшмаларда унчалик хоҳламасдан қатнашиши улардан эълон қилинган ёрдамни ололмаслиги ёки унинг самарадорлигини пастлигидир. Шунинг учун Қашқадарё вилоятида кичик корхоналар уюшмасини шакллантириш зарур. Уни бевосита пастдан туманлардан шакллантириш лозим, энг асосийси вилоят даражасидаги штаб аппаратлари юқори идора мақомига эмас, кичик корхоналар уюшмаси туман мувофиқлаштирувчи марказларга ҳисоб берувчи бўлиши шарт; кичик корхоналар уюшмаси аппаратини молиялаштириш аъзолик бадали ва давлатнинг тадбиркорликни қўллаб – қувватлашга ажратилган маблағлар ҳисобига эмас балки уюшмага аъзо бўлган ва бўлмаган субъектларга конкрет хизматлар кўрсатишдан олинган маблағлар ҳисобига амалга


оширилиши керак. Кичик корхоналар уюшмасини ташкил этиш биринчидан, кичик бизнесни институционал муҳитини сифат нуқтаи назаридан ривожланишига, иккинчидан эса давлат органлари, ҳокимиятларга иқтисодий ва сиёсий таъсир эта оладиган реал кучга айланишига имкон беради.

- кичик бизнесни монополизмдан ҳимоя этиш мақсадида кичик корхоналарга хом ашё ресурсларини етказиб бериш ва ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишга кўмак беришга ихтисослашган кичик бизнес воситачи корхонасини ташкил этиш зарур, унинг таъсисчилари хўжалик юритишнинг ишлаб чиқаришдан бошқа соҳалари билан шуғулланиш мустақиллигини сақлаб қолади ўз фаолиятини юридик шахс сифатида мавжуд қонунчилик ва ўз уставига асосланиб, олиб борадилар.
- кичик бизнесни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири тадбиркорликни давлат органлари билан биргаликда ҳаракат қилишларини такомиллаштиришдан иборат. Ушбу йўналишда қуйидагиларни амалга ошириш зарур; лоббированиенинг институционал шаклини қўлланилишини таъминлаш, шунинг учун вилоятни иқтисодий ривожланиш сиёсатини ташкил этувчиларни шакллантиришда Қашқадарё вилояти ҳокимияти қошида кенгаш тузиш ва унга манфаатдор бўлган шахсларни катта доирасини киритиш мақсадга мувофиқдир, ўзаро биргаликда ҳаракат қилишни иқтисодий усул ва шаклларида кенг фойдаланиш, давлат контракт тизимини янада такомиллаштириш, инвестицион соҳада ўзаро биргаликдаги ҳаракатни кучайтириш зарур.

Диссертация тадқиқотининг асосий натижалари қуйидаги нашр қилинган ишларда ўз аксини топган:

1. Кархалов М. Кичик тадбиркорлик бизнеси заҳиралар тизими // Журнал. Бозор, Пул ва Кредит. 2002. № 6. Б. 64 – 66.
2. Кархалов М., Қодиров А. Кичик ва ўрта бизнес муаммолари //Журнал. Жамият ва Бошқарув. 2001. № 3. Б. 58 – 59.
3. Кархалов М., Алимов У. Малый предпринимательский бизнес в Узбекистане: опыт и проблемы развития. Формирование системы государственного регулирования экономики и социальной сферы //Сборник научных работ докторантов и аспирантов Института экономики РАН. – Москва 2001. С. 101 – 103.
4. Кархалов М. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда кичик тадбиркорлик бизнесини ижтимоий – иқтисодий аҳамамияти. Олий ўқув юртлараро илмий ишлар тўплами //Тез. докл. – Тошкент 2000, ТДТУ. Б. 65 – 67.
5. Кархалов М., Алимов У. Сущность, особенности и проблемы инвестирования в условиях переходной экономики. Приоритетные направления развития финансов и либерализации финансовой системы в условиях рыночных отношений //Тез. док. межд. науч. – прак. конф., 04 – 06 декабрь 2000, – Москва 2000. С. 77 – 78.

Тадқиқотчи



## RESUME

of dissertation of Karkhalov Mamed Faramizovich "The ways of increasing the efficiency of small business" (on the example of Kashkadarya region) for defending the candidates degree of economical science on speciality 08.00.04 – microeconomics.

**Key words:** business, proprietorship, small business, efficiency, reserves.

**Object of research:** activity of microfirms and small enterprises of Kashkadarya region of the republic of Uzbekistan.

**Purpose of dissertation:** scientifically proved suggestions and recommendation on small business efficiency increasing for functioning in condition of liberalization and deepening market reforms.

**Research methods:** economic and statistic analyses, comparative, expert estimations, monographic analyses and etc.

**The obtained results and their novelty:** They were revealed the social and economical essence of small business in context of social responsibility conception; specified the essence and contents of conceptions such as: "entrepreneur", "proprietorship", "business system", "small business" taking into account new tendency of economical development achievements of economical science; proposed the system of estimation indexes of small business efficiency, which characteristic feature is the double – leveled approach; improved the consistency of estimations of small business efficiency; generalized the factors influencing on the small business efficiency on the basis of allocation of financial and psychological, organizational and legal, financial and economical groups; defined the most favourable branches and spheres for development of small business, kinds of production and service; defined the main direction of small business efficiency increasing in particular the concrete suggestions on providing the development of small business on the innovation basis, on defining the priority direction of investment on increasing the expert potential of small enterprises and intensification of their horizontal integration are given.

**Practical value:** The recommendation and suggestions of the author could be used by government and local bodies in elaboration of programs of small business development.

**Introduction degree and economical efficiency:** The elaboration of the author "The ways of increasing the efficiency of small business in Kashkadarya region" has been adopted for application by chamber of manufacturers and of Kashkadarya region. (Certificate № 14 from 25.02.03).

**Application area:** on Intergraph level.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Кархалова Мамеда Фарамизовича «Пути повышения эффективности малого бизнеса» (на примере Кашкадарьинской области). на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.04 – микроэкономика.

**Ключевые слова:** бизнес, предпринимательство, малый бизнес, эффективность, резервы.

**Объект исследования:** деятельность микрофирм и малых предприятий Кашкадарьинского вилоята Республики Узбекистан.

**Цель работы:** разработка научно-обоснованных предложений и рекомендаций по повышению эффективности функционирования малого бизнеса в условиях либерализации экономики и углубления рыночных реформ.

**Метод исследования:** экономико-статистический анализ, сравнительный, экспертных оценок, монографический анализ и др.

**Полученные результаты и их новизна:** раскрыта социально-экономическая сущность малого бизнеса в контексте концепции «социальной ответственности»; уточнены сущность и содержания понятий «предприниматель», «предпринимательство», «система бизнеса», «малый бизнес» с учетом новых тенденций развития экономики; предложена система показателей оценки эффективности малого бизнеса, отличительной чертой которого является его двух уровневой подход; усовершенствована последовательность оценки эффективности малого бизнеса; обобщены факторы влияющие на эффективность малого бизнеса на основе выделение финансово-психологических, организационно-правовой и финансово-экономических групп; определены отрасли и сферы, наиболее благоприятные для развития малого бизнеса, виды продукции и услуг; определены основные направления повышения эффективности малого бизнеса, в частности даны конкретные предложения по обеспечению развития малого бизнеса на инновационной основе, по определению приоритетных направлений инвестирования, по повышению экспертного потенциала малых предприятий и усилению их горизонтальной интеграции.

**Практическая значимость:** рекомендации и предложения автора могут использоваться государственными и местными органами при разработке программ по развитию малого бизнеса.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** разработка автора «Пути повышения эффективности малого бизнеса в Кашкадарьинском вилояте» принята Палатой товаро производителей и предпринимателей Кашкадарьинского вилоята для применения. (Справка № 14 от 25.02.03 г.)

**Область применения:** на межотраслевом уровне.

Иктисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Кархалов Мамед Фарамизовичнинг 08.00.04 – микроиктисодиёт иқтисослиги бўйича «Кичик бизнеснинг самарадорлигини ошириш йўллари» (Қашқадарё вилояти мисолида) мавзусидаги диссертациясининг

### **ҚИСКАЧА МАЗМУНИ**

**Калитли сўзлар:** бизнес, тадбиркорлик, кичик бизнес, самарадорлик, захиралар (имкониятлар).

**Тадқиқот объекти:** Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилоятидаги микрофирма ва кичик корхоналарнинг фаолияти.

**Ишнинг мақсади:** иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида кичик бизнеснинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот методи:** тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, монографик таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, динамик қаторлар каби усуллари қўлланилган.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти «ижтимоий масъулият» концепцияси контексти асосида очиб берилди; «тадбиркор», «тадбиркорлик», «бизнес тизими», «кичик бизнес» каби иқтисодий категорияларнинг мазмун-моҳияти, ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг ривожланишидаги янги тенденцияларни инобатта олган ҳолда аниқлаштирилди; кичик бизнеснинг самарадорлигини баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими таклиф этилди, унинг ўзига хослиги икки, яъни корхона ва вилоят (худудий) даражасида берилганлиги; кичик бизнесни самарадорлигини баҳолашнинг услубияти (кетма-кетлиги) такомиллаштирилди; кичик бизнеснинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ижтимоий-психологик, ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий белгилар асосида гуруҳланди ва яхлит тизимга келтирилди; кичик бизнес самарадорлигини оширишнинг имкониятлари ташқи ва ички турларга бўлинган ҳолда аниқланди ва умумлаштирилди; кичик бизнес самарадорлигини оширишнинг йўналишлари асосланди, хусусан кичик бизнеснинг инновацион асосда ривожланишини таъминлаш, инвестициялашни устувор йўналишларини аниқлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, горизонтал интеграциясини кучайтириш бўйича асосланган таклифлар берилди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқотнинг назарий хулосалари ва амалий йўриқлари бевосита кичик бизнесни иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминлайди ва улар давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан кичик тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини яратиш жараёнида қўлланиши мумкин.

**Тадқиқотнинг даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** муаллиф томонидан тайёрланган «Қашқадарё вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришни самарадорлигини ошириш йўллари» номли ишланмаси Қашқадарё вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинди. (25.02.03. йилдаги 14-сон маълумотнома)

**Қўлланиш соҳаси:** тармоқлараро даражада.

Босишга рухсат этилди 24.03.2004 й. Қоғоз формати 60x84 1/16.

Табоғи 1. Нусха 100. Буюртма № 222.

ТошДТУ босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш. Талабалар кўчаси, 54.